

КЎЗГА КЎРИНМАС ШАРПАЛАР

Жиноий уюшма уч гуруҳга бўлиниб, биринчи гуруҳ аъзолари тижорат банклари атрофини кўздан кечириш, йирик микдорда пул олаётган банк мижозларини кузатиш ва боскинчилик учун автомашинани танлаш билан шуғулланган...

7 бет

ХАЛҚ РИЗҚИНИ ҚИЙИБ...

Хар қандай мамлакат учун аҳолини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш муҳим масалалардан саналади. Хусусан, республикамызда ҳам халқ ҳўжалигининг бу тармоғи доимий эътиборда бўлиб келган.

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Ўқитиш



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2009-yil 1-oktabr, №40 (665)

*...Бугун сиз, азизларнинг —
кўз нури ва қалб кўрини, бор
билим ва тажрибасини ёш ав-
лод тарбиясига бағишлаб, маъ-
рифат зиёсини таратиб кела-
ётган фидойи инсонларнинг
шаънига самимий тилаклари-
мизни изҳор этишни ҳар бири-
миз учун ҳам қарз, ҳам фарз
деб биламиз!*

Ўзбекистон Республикаси Президентини
Ислом КАРИМОВнинг

Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригидан

1 ОКТАБРЬ — ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ!



Йиллар ўтган сайн устоз отангдек улуғ, деган мақолнинг маъносини теранроқ англаб етаркансан киши. Чунки бир дошманд айтганидек, ота-она фарзандни дунёга келтирса, устоз уни улуғлик осмонига юксалтириш учун илми, меҳнати, қалб кўрини сарфлайди. Барча кашфиётлар ичида энг гўзал яхши тарбия олган инсондир. Ана шундай инсонларни вояга етказадиган ҳам устоз, ўқитувчидир. Уларнинг заҳматли ва машаққатли меҳнатларини буюк бобокалонимиз Низомидин Мир Алишер Навоий ўзларининг бир байтларида шундай таърифлаганларки, ундан орттириб бир сўз айтиш амримаҳол.

*Ҳақ йўлида қим сenga бир ҳарф ўргат-
миш рағиб ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳаққин юз
ганж ила...*

Шунинг учун ҳам халқимиз устоз-ўқитувчиларни улуғлайди, уларнинг ҳурмати жойига қўяди. Ҳар қандай шоғирд ўзига сабоқ берган ўқитувчи ёки мураббийни кўрганида кўлини кўксига қўйиб салом беради, эҳтиром кўрсатади.

кўпроқ роҳатидан кечиб, жонини ҳам аямай муносиб шоғирлар тайёрлаган устозлар эришадилар. Эзгулик йўлидаги заҳмат эса ҳаминша ва ҳар қандай замонда ҳам таҳсинга сазовор.

Яқинда ўзининг 60 йиллик юбилей-

тушмайди ҳам. Шу боиски, Эркин ака ана шу муқаддас туйғуни ҳар бир дарсда талабалар онгига синдиради. Унинг дарс ўтиш услуби ҳам ўзига хос. Сабоқларни давр билан, юртимиздаги ўзгаришлар билан бoғлайди, машғулотларни талабалар зерикмайдиган, қизиқarli қилиб ўтади.

Баъзан тош, метин ерларни ёриб чиққан тулу гиёҳларга термугланмасиз? Улар шу қадар ҳаётга интилувчанки, кўринишида қанчалар машаққатни ёриб ўтаётганидан нишон ҳам бўлмайди. Эркин ака билан суҳбатлашганинг сайин баъзан дангасалик, баъзан лоқайдлик, баъзан эса ўз имкониятларингга ишончсизлигинг туйғайли берилган имконият, иқтдор, билим ва малакаларинг кўп эканлигини англайверсан.

(Давоми 12-бетда)

УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

Фурқат туманидаги "Тайёрловсавдо" МЧЖ раҳбарларида ички имкониятларни излаш, ишга солиш уқуви етишмаганлиги натижасида жамият иқтисодига путур етди. Ўзларича аҳволни "рейский" ўзгаришнинг осонгина йўлини ҳам топишди. Банкдан кредит олишмоқчи бўлишди. Шу мақсадда Ўзбекистон-Германия АТ "Савдогарбанк" Риштон бўлимига учрашди.

Албатта банк кредит маблағини сўраганга дарров қўш-қўллаб тутқазиб қўймайди. Анча-мунча ҳужжатлар керак бўлади. МЧЖ раҳбарларининг иши эса жуда тез битди. Кредит таъминотчиси қилиб "Учқўприк РОСС" қўшма корхонаси расмийлаштирилди. 2007 йил 20 июнь кунини тузилган 67-сонли кредит шартномасига мувофиқ, 2008 йил 20 июнга қадар қайтариш шартин билан, йиллик 18 фоиз устамали бўлган 188 435 000 сўм миқдорида банк кредити ажратилди...

КРЕДИТ "ЎЙИНЛАРИ"

Орадан кунлар, ойлар, ҳатто йил ҳам ўтди. "Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари сотиб олиш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш мақсадида" кредит олган юқоридаги МЧЖ томонидан банкка бирор сўм ҳам қайтарилмади. Тўғри, банк томонидан кредит маблағини қайтариш чоралари кўрилди, лекин барчаси самарасиз бўлди. Хусусан, 2007 йил 10 ноябрда банк вакиллари МЧЖ вакили М.Тошпўлатов билан биргаликда кредит маблағининг ишлатилиши бўйича мо-

ниторинг далолатномасини тузишган. Афсусларанлиси, далолатнома МЧЖ жойлашган ерда эмас, негацир Риштон туманида расмийлаштирилган. Янаям, қизиги, унда кредит маблағи ҳисобига олинган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг мавжудлиги аниқ кўрсатилмаган, фақатгина пул маблағларининг ўтказилиши, ҳисоб варақаларининг расмийлаштирилиши қайд этилган, холос.

Шунингдек, 2007 йил декабрь, 2008 йилнинг январь,

апрель, май, июнь ойларида банк томонидан МЧЖ раҳбари номига кредит маблағларини ихтиёрий қайтариш, акс ҳолда шартномани бекор қилиб, қонуний чоралар кўриш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этишни юзасидан оғоҳлантириш хати, талабномалар юборилган. Булар ҳам иш бермагач, банк кредит қўмитасининг 2008 йил 27 август кунини йиғилиши қарорига кўра... кредитни қайтариш муддати 2008

йил 25 ноябрга қадар қўзиб берилди! Бундай ўринсиз имтиёз ёхуд ҳотамтойликни қандай изоҳлаш мумкин?

Вилоят ҳўжалик судининг 2008 йил 16 декабрь кунини бўлиб ўтган суд мажлисида қизиқ ҳолат рўй берди. Кредит маблағини олиб, муддати ўтса-да, тўламай келатган МЧЖ вакили М.Тош-

пўлатов судда сотиб олинган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари "Учқўприк РОСС" қўшма корхонасига топширилгани ҳақида кўргазма берган эди, қўшма корхона вакили М.Имомалиев буни рад этиб МЧЖдан бир тийин ҳам қарздор эмасликларини билдирган.

Қисқаси, берилган 188 435 000 сўмлик банк кредити ҳам, унга ҳисобланган 26 196 229 сўмлик устама маблағи ҳам қайтарилмай қолди. Кредитни олиб фойдалан-

ганлар бор, қайтарувчилар йўқдек...

Шу ишга таалуқли мансабдор шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 май кунини "Халқ ҳўжалигида ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида" ҳамда 1998 йил 4 март кунини "Ҳўжалик юритувчи субъектларининг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"ги Фармонлари талаблари бузилган. Уларнинг ҳаракатларида кредит маблағларини талон-торож қилиш, ўзлаштириш ҳолатлари мавжудлиги аниқланди. Шу сабабдан вилоят ҳўжалик суди томонидан 2009 йил 6 январь кунини айбдор шахсларга нисбатан ЖКнинг 167-модда 3-қисм "а" банди, 205-модда 2-қисм "а" банди билан жиноят иши қўзғатиш ҳақида ажрим чиқарилди.

(Давоми 2-бетда)

(Давом. Боши 1-бетда)

Марғилон шаҳрида жойлашган "Кемпинг" хусусий фирмаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият "Миллий банк"и Фарғона вилояти филиали томонидан 2003 йил 14 апрел кuni тузилган 576/2003-сонли шартномага мувофиқ 2 йил муддатга берилган 15 000 000 сўмлик кредит маблағини ҳозирчага қайтаргани йўқ. Банкдагилар ушунда фирма ва унинг раҳбари бўлган Э.Пўлатов-

қайқадир кўчириб кетилгани маълум бўлди. Э.Пўлатовни излашди, ўз уйида яшайми кўйган, Тошкент шаҳрига кетиб қолган экан. Хуллас, қарздорга нисбатан чора кўриш имкони топилмади...

Банк томонидан қарздор "Кемпинг" хусусий фирмасини банк олдиданги кредит ва кредит фойзалари тўловлари бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги сабабли банкрот деб топишни сўраб берган даъво ариза-

Давлат маблағини ноўрин ишлатишга, талон-торож қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шундай йўл тутанлар ҳеч қаёққа қочиб кутула олишмайди. Юқорида жиний хатти-ҳаракатлари келтирилган, минг-минглаб дийнати, софдил талбиркорлар ичида қоракунядек кўриниб қолган Э.Пўлатов ҳам қонун олдига жавоб бериши аниқ. Унга ва фирманинг бошқа мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг 167-модда 3-

лизинг олувчи мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади", деб белгиланган. Қонуннинг худди шу талаби бўзилган. Даъвогар ва жавобгар тузилган шартномага кўра лизинг муносабатларига киришмасдан туриб даъвогар "ZYX-95" русумли ёғ ишлаб чиқариш дастохини сотиб олиши учун жавобгарга 6 000

Шу йил 19 январь кuni бўлиб ўтган вилоят ҳўжалик суди мажлисида оқоридаги ҳолат батафсил кўриб чиқилди. Суд келтирилган маълумотларни тасдиқловчи далилларни ўрганиб чиқиб, жавобгар бўлган "Мухаммадисмоил-Мухаммадиброҳим" хусусий корхонаси раҳбари М.Юлдашевга нисбатан Жиноят кодексининг 167-модда 2-қисми "а" банди, даъвогар АТБ "Микрокредитбанк" Фарғона вилоят филиалининг жавобгар кредит маблағларини ажратиш ва уни мақсадли ишлатилишини назорат қилишга масъул бўлган мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг 207-модда 1-қисми билан жиноят иши кўзгатишни лозим деб ҳисоблади ва шу хусусда ажрим чиқарди.

Қонун устувор бўлган мамлакатимизда ҳар қандай жиноятга жазо муқаррарлиги таъминланади. Юқорида келтирилган кредит "ўйинлари"ни ташкил этган, бир сўз билан айтганда эл-юрт бойлигига ҳийбат қилган кимсалар ҳам жазодан қутула олишмайди. Лекин бир ҳақиқатни аччиқ бўлса ҳам айтиш керак, банклардаги айрим мансабдор шахслар ўз вазифаларини виждонан, юксак малака билан бажаришга қодир эмас. Шундайлар турли даражада қонунбузилишлар содир этилишига, давлат маблағлари беҳуда соврилишига йўл қўйишмоқда.

Банк катта ёки кичиклигидан қатъий назар давлат хазинаси саналади. Ундан ҳар бир тийинни чиқаришда фақат ва фақат қонунда кўзда тутилган талабларга риоя этиш шарт!

Эркинжон БОТИРОВ,
Фарғона вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси.
Холиқназар ЖўРАБОВ,
журналист.

КРЕДИТ "ЎЙИН"ЛАРИ

ни астойдил ўрганиб, текшириб кўришмай, астойдил ишонилган экан. Бу шаввоз кредит маблағи ҳисобига печенье ишлаб чиқарадиган дастох сотиб олмакчи бўлган. Кредит таъминоти учун ҳам шу дастох кўйилган. Кейинги ишлари қандай кечгани қоронғу, лекин кредит маблағини қайтаришни ҳасилга ҳам келтирмади. Шундан кейин банкдагилар ҳаракатга тушиб қолди. Чунки фирма банкдан кредит маблағи ҳисобига 25 342 808 сўм қарздор бўлиб қолган эди.

Бу иш 2005 йил 4 октябр кuni вилоят ҳўжалик судида кўриб чиқилди, фирма ҳисобидан банкка кредит маблағига доир барча тўловларни ундириб бериш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилиди. Шу билан муаммо ҳал бўлса қошқи эди. Суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш имкони бўлмади. Чунки ижрон таъминлаш учун борган суд ижрочилари фирма ўрнида қолган шип-шпидон жойни қўришди. Печенье ишлаб чиқариш дастохига Э.Пўлатов томонидан аллақачон

си 2008 йил 22 август кuni вилоят ҳўжалик судида кўриб чиқилди. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, фирма банкрот деб эълон қилинди ва уни тутатиш бошқарувчиси таъинланди. Аслида "туғаб" бўлган фирмани яна тутатиш, мол-мулкни қарзи ўрнига ўтказиш осон иш эмас. Буни тутатиш бошқарувчиси ҳам ўз ҳисоботида тасдиқлади. Унда қайд этилишича, "Кемпинг" хусусий фирмасининг кредитдорлар талабларини қондиришга етарли мол-мулкни мажбур эмас. Фирма мансабдор шахслари томонидан фирма фаолияти ўз ҳолига ташлаб қўйилган, бир неча йилдан буён фаолият кўрсатмайд...

Ахир, қанақаси ҳам фаолият кўрсатсин?! Фирманинг фирмом, қонунбузар бошлиғи Э.Пўлатов 2005 йил 18 июль кuni Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди ҳукми билан узок муддатга озодликдан маҳрум этилган бўлса! Албатта бошқа "иш" билан. Тошкентдаги бир жиний гуруҳ ишлари ҳам иштирок этган экан.

Мамлакат тараққиётининг иқтисодий барқарорлигида аграр соҳанинг муҳим ўрни борлигини бутунги кунда уқтиришга ҳожаат қолмади. Чунки меҳнатта, мулкка муносабати ўзгарган одамлар ернинг қалдрини яхши англайдиган бўлишди. Зеро, қишлоқ ҳўжалиги тизимида амалга ошириладиган ислохотлар самараси ўлароқ фермер ва деҳқоннинг ризқ-насибаси бутун бўлаётти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида

маҳсулотлари талон-торож қилинишининг олдини олиш, ҳўжалик шартномалари тузилиши ва ижро қилинишида кузатилади.

Ердан фойдаланишни тартибга солувчи қонунлар ижроси борасида аниқланган қонунбузилишларни бартаф қилиш ҳақида 13 та тақдиминома кирилган. Жиддий қонунбузарлик ҳолатлари бўйича 1 та жиноят иши кўзгатирилган. 186 нафар шахсининг маъмурий, 33 нафар шахсининг интизомий жавобгарликка тортилишлари таъминланиб, 11 296 минг сўмлик муддатга ўтган иш ҳақидан қарздорликни ундириш ва ўзошимчилик билан эгаллаб олинган

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — БОШ МАҚСАД

қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан жорий йилнинг ўтган даврида ўтказилган бир қатор текшириш ва мониторингларда мазкур йўналишда бажариладиган ишлар таҳлил қилиниб, аниқланган қонунбузилишларни бартаф қилиш чоралари кўрилди.

Бухоро вилоят прокуратураси органлари томонидан соҳага оид қонунлар ижроси юзасидан 129 та текшириш ва таҳлиллар ўтказилган. Улар натижасига кўра 149 нафар шахсга нисбатан интизомий ва 619 нафар шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар кўзгатирилган. Файриқонуний ҳўжажатларни бекор қилиш ёки уларни қонунга мувофиқлаштириш тўғрисида 64 та протест кирилган. 332 млн. 858 минг сўмин ундириш тўғрисида судларга 211 та даъво аризалари кирилган. Жиддий қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан 12 та жиноят иши кўзгатирилган.

Хусусан, қонунбузарликлар фермер ва деҳқон ҳўжаликларида ер ажратиш, ердан мақсадли ва оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари кўрилиши, сув ресурслари, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш

ерларни қонуний эгаларига қайтариш тўғрисида фуқаролик судларига 74 та даъво аризаси кирилган.

О.Оллошев Қорақўл туманидаги "Юқори Қўлоқчи" сулдан фойдаланиш уюшмасида 2006 йил августидан 2007 йил октябрга қадар раис лавозимида ишлаб келган. У ўзидан олдинги раис Ш.Ҳақиевдан уюшма балансида бўлган 22 турдаги 26.238.617 сўмлик асосий воситаларни ва айланма маблағларни қабул қилмай, ҳатто ўзидан кейин текшириш кунига қадар корхона раис лавозимида ишлаётган С.Ражабовга топширишдан ҳам бош тортиб келди.

Бу ўз навбатида ўзганинг мулкни фийрибгарлик йўли билан талон-торож қилишга имкон яратди. Чунончи, жорий йилнинг март ойида ҳайдовчи Ю.Зиёратовнинг жавобгарлигидаги СФУ балансида бўлган "Т-28х4" русумли, Б.Ҳақиевдан эса "ЮМЗ-6 КЛ" русумли тракторларни ўзошимчилик билан ҳўжажатлаштирмасдан олиб қўйди. Ўзи хон, қўланкиси майдон раис қонун талабини тамоман унутди. Уйда "Т-28х4" русумли тракторни қонунга ҳилоф тарзда сақлаб, оловнинг яроқсиз

ҳолга келишига сабаби бўлди. 780.849 сўмлик эҳтиёт қисмлар ва "ЮМЗ-6 КЛ" русумли тракторни текшириш кунига қадар шахсини аниқлаш имкони бўлмаган фуқароларга сотиб юборди. Фирма раис корхона манфаатларига 4.204.322 сўмлик зарар етказди. О.Оллошевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Ж.Книнг тегишли молдалари билан жиноят иши кўзгатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни қўчайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулот-

лари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан аҳолининг чорва молларини омухта эм билан таъминлаш мақсадида вилоятда "Бухоро омухта эм сотиш бирлашмаси" ташкил этилиб, унинг жойлардаги шохобчалари очилган.

Мазкур тизимда ўтказилган текширишлар давомида ҳам айрим қонунбузарликлар аниқланиб, натижасига кўра прокурор назорати ҳўжажатлари қўлашилган. Масалан, Ромитан туман прокуратураси ва СВОЖДДКК Департаменти туман бўлими ҳодимлари томонидан ҳамкорликда ўтказилган талбирда туманда яшовчи О.Саидов "ЗИЛ-130" русумли автомашинасига Жондор туманидаги "Евронаф" қўшма корхонасидан нархи 812000 сўмлик 5800 кг шелухани юклаб, ўзининг жавобгарлигидаги ушбу иккиламча маҳсулотни Навоий вилоти Хатирчи туманидаги "Омухта эм сотиш бирлашмаси"га ташиб бериш ҳақидаги шартнома талабини бузди. Шелуханинг килограмми 140 сўмдан ҳисоблаб, жиний шериги Бухоро туманида яшовчи У.Аҳмедовга сотиб юборди. Файриқонуний хатти-ҳаракати учун О.Саидов ва У.Аҳмедовлар қонун олдига жавоб беришди.

Холиқ ЧўЛИЕВ,
Бухоро вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг машҳур беш тамойилидан бири кучли ижтимоий ҳимоя ҳисобланади. Айнан мана шундай оқилона сиёсат юритилиши натижасида юртимизда ҳам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз яшовчи қариялар ва ногиронлар ҳар доим давлатнинг ғамҳўрлигини ҳис қилиб яшамоқдалар.

Кеча Нукусдаги Қорақалпоғистон давлат университети қошидаги 1-сонли академик лицейда "Ноғиронларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Қорақалпоғистонда ўтказилган текшириш натижаларининг бажарилишига бағишланган йилгили бўлиб ўтди. Уни Қорақалпоғистон Республикаси прокурори вазифасини бажарувчи Ж.Наримбетов олиб борди.

Мажлиса қайд этилишича, 2009 йилнинг 1 июлигача бўлган маълумотларга қараганда республикада 61 мингдан зиёд ногиронлар истиҳком қиладди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида реабилитация ишлари тўлиқ ташкил этилмаган, ногиронлиқнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланмаган. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш вазирлиги тиббий меҳнат экспертиза комиссиялари ишида камчиликлар мавжуд. Бунинг оқибатида Нукус, Ташкент, Тўрқўт, Тахтақўпир, Чимбой туманларида ногиронлар сонини ўтган йилдагига нисбатан ошган. Мўйнок, Қонлиқўл, Қўнғирот, Тахтақўпир, Ҳўжайли, Беруний туманларида эса ногиронларнинг пенсия тўловида камчиликлар бор. Жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида муҳожирга 70 фойз ногиронлар аравачаси берилган. Уларнинг протез-ортопедия маҳсулотларига бўлган талаби эса 70 фойзга қондирилган.

Бу каби камчиликлар мамлакатимизда аҳолининг муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида эришилмаётган ютуқларга соя солиши таъкидланди.

Йилгилида Республиканинг турли туманларидан келган 30 нафар фуқарога ногиронлик аравачаси топширилганини уларнинг яшашга, ҳалқ билан бирга бўлишга иштиёқини оширган бўлса ажаб эмас.

Мажлиса Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши раисининг ўринбосари К.Абдижалиев иштирок этди.

Бозорғул БАЙМАНОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
прокурорининг ёрдамчиси.
Н.ОҚНАЗАРОВ,
"НУҚС" мухбири

Ўзбекистон — Ватаним маним!

Хар қандай жамиятнинг гуллаб-яшнаши, раванж топиши, эртанги кунга ишончи ёшлар билан. Бас, шундай экан, ёшлар, яъники, фарзандларимиз масаласи мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ҳам бежиз эмас. Ҳамма мамлакатларда ҳам ёшларга, уларнинг таълим-тарбиясига, маънавий ва жисмоний баркамоллигига Ўзбекистондагидек аҳамият берилмайдими. Етук авлод биланги-

бурдек алломаларнинг ҳаёти ва ижодида 1-2 соат вақт ажратилгани ҳолда, Пушкин, Горький, Маяковский каби рус шоир ва ёзувчиларини камситмаган ҳолда айтиш керакки, улар ҳақида дафтар-дафтар иншоолар, ижодий ишлар ёзишга мажбур эдик.

Ҳозир ўғлим, уйда дарс тайёрлай туриб, баъзида мендан ул-бул саволларга жавоб беришимни сўраб туради. Айрим ўринларда уялиб қоламан, у

дириб ташлаш даври бошланди.

Мустақиллик — истиқлол қўлга киритилди! Ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотларни, чиқарилаётган қонуларни амалга, ҳаётга татиқ этиш, хусусийлаштириш, тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатлари бошланди. Мамлакатини бошқаришда янгиликлар фискалнинг, истиқлол ва эркинлик қоялари билан қуролланган кадрлар майдонда бўй кўрсата бошладилар.

Ғиялар, хусусан, компьютер билан "тиллашиб", бир зумда оламшумул дастурлар тузиб ташлаётган ва барчани лолу ҳайрон қолдираётган мактаб ўқувчилари, баркамолликка эришиш йўлида Осиё, Жаҳон спорт мусобақаларида юртимиз байроғини энг баланд нуқталарга кўтарётган ёш авлод қаторлашиб турганидан ҳар биримиз фойдалана оламиз.

Ватан остонидан бошланади. Ўз уйим — ўлан тўшагим. Дар-

беш йил мобайнида юртимизда болалар спортини ривожлантириш дастури доирасида 130 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиб, 900 дан ортиқ спорт иншооти қуриб битказилгани ва юксак талаблар асосида жиҳозланганини мамнуният билан таъкидлаш мумкин.

Ҳозирданоқ этироф этиш мумкинки, илгор технологиялар, ўқув жиҳозлари билан таъминланган ўқув ва спорт масканларида малакали устозлардан

АРМОНЛАРДАН БЕГОНА АВЛОД

на иқтисоди ривожланган, жаҳон ҳамжамиятида мустақкам максада эришган жамият барпо қилиш мумкин.

Ёдимда, катта фарзандимизни уч ёшдан ошганда болалар бoғчасига бердик. Биринчи кундан бoғчадан топириқ билан келди.

— Мана буни тарбиячим бердилар, — деди бир парча қоғоз узатиб, — ёдлаб боришим керак экан.

Қарасам, Ўзбекистон мадҳияси туширилган қоғоз. Ўзимни билмаганга солдим.

— Нима бу, ўғлим?

— Бу-чи, биз билишимиз ва ҳар кунги эрта тонгда айтишимиз керак бўлган мадҳия экан. Яхши болалар уни ёдлаб олсалар, катта бўлганларида мактабда фақат "беш" баҳо олишар экан. Битта мен билмас эканман, бошқа ҳамма болалар баварар куйлашар экан мадҳиямизни.

Мурғаккина қалбадаги мадҳиямизни ёд олиш истаги шунчалар кучли эдикки, қандайдир 2-3 соат ичида ўғлим уни тутимай айтиб берадиган бўлди. Эртаси кунги уйга келиб, куйга солиб ижро қилишни бошладим. Ҳозир мактабда, юқори синфда ўқийди, "аъло" баҳолабди.

Ўшанда ўғлимнинг болалигини эста олдим. Бoғчадаги давримни шуғурида тиклаш олмадим, аммо мактабда илк дарс "Ленин дари" деб аталганини эсладим. "Ўқиш китоби", "Она тили", "Ватан адабиёти" дарсликлариди фақат Ленин, дохий, коммунист, СССР образларига ҳамду сано билан ёзилган шеърларни ёл олардик. Юқори синфларда "Ватан тарихи" дарсида асосан рус халқи, Россия давлати тарихини ўргатардик. Ўзбекистон тарихи, ўғлимнинг Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қўқон, Тошкент, Термиз, Шахрисабз каби шаҳарлар тарихи, ўзбек халқи тарихи, буюк болаларимиз Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Улуғбек, Ибн Сино ҳақида, анъаналаримиз, маданиятимиз тарихи каби мавзулар бир хат боши, жуда нари борса китобнинг ярим саҳифасида икки оғиз газ билан айтиб кетилар экан, холос.

Адабиёт фанини-ку, айтмасам ҳам бўлаверди. Навоий, Бо-



сўраётган саволларга кейинчалик ўзим ўрганган даражада умумий жавобларим бўлсада, ўғлимни қониқтирадиган даражада эмаслигидан уяламан. Ва унга ҳавасим келади. У миллатимиз, ёшларимиз учун керак ва зарур нарсаларни ўқимокда, ўрганмокда.

Амир Темур, Бобур, Жалолиддин Мангуберди каби саркараларимиз, Ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбандий, Беруний, Ал-Фарғоний сингари маънавиятимиз даргалари, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирийдек алломаларимиз ҳақида биз ўз вақтида етарли билим ололмаганмиз. Халқимизнинг буюк тарихидан етарли даражада воқиф бўла олмаганмиз. Фарзандларимиз энг бахтли, энг толейи кулган авлод сифатида бизнинг ушбу армонларимиздан мосуводилар.

Барчамиз учун 1991 йилнинг сентябры ойидан Ватанимизга йўли очилди. Айнан шу санадан эътиборан эркинлик, ҳурлик, ўз фикрига эга бўлиш, борлиқни идрок қилишда ўз позициясини намойиш қилиш, ҳар қандай қотиб қолган фикрларни инкор қилиб, шакланган қолипларни син-

Юзага келаётган имкониятлардан фойдаланиб, чет эллар билан алоқаларни йўлга қўйишга, хориждан энг замонавий технологияларни мамлакатимизга келтиришга, жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган энг замонавий касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни бунёд этишга, унда минглаб мустақилликнинг мурғак фарзандларига янги давр руҳида таълим-тарбия бера олишга, салкам юз йил давомида таъқибда бўлган болаларимиз дини, тили, расм-русумлари, урф-одатлари ва муқаддас қадриятларини тиклашга, мамлакатимиз чегараларини турли хуружлардан мардона ҳимоя қилишга ҳозир бўлган авлод шакллана бошладилар.

Бугун, орадан 18 йил ўтиб, шижоатли, баркамол фарзандлар вояга етаётгани боис эртанги кунимиз бугунгисидан ҳам шукухли ва тароватли бўлишига ишонч ортмоқда. Бугун 20 ёшида номзодлик ишини ҳимоя қилаётган, 24 ёшида докторлик даражасига эришаётган зукко ва сароҳиятли ёшлар сафи кенгаётганидан, ўз ихтироси билан иқтисодга салмоқли ҳисса қўшаётган коллеж талабалари сони ортаётганидан, илгор техноло-

ҳақиқат оиламиз, ўз уйимиз, яшаш масканимиз Ватан ичра мўъжаз Ватан ҳисобланади. Истиқлолга эришганимиздан буюн қишлоқларни табиий газ, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, замонавий таълим, тиббиёт, маданият муассасаларини барпо этиш, маиший хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтириш, ободонлаштириш масалаларига доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Утган давр мобайнида ана шундай бунёдкорлик ишлари самарасида кўплаб замонавий турар-жой масканлари пайдо бўлди. Шу билан бирга замонавий типдаги янги болалар бoғчалари, ўрта таълим мактаблари, гимназиялар, лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртлири бунёд этилди. Улар шаҳар ва қишлоқларимизга кўрк бериш баробарида, минглаб ёш авлоднинг баркамол камол топишида, илм олишида, етук мутахассислар бўлиб етишишида асосий омил бўлмоқда.

Фарзандларимиз нафақат билимдон, маънавий бой бўлиб камолга етишишлари, шунингдек, жисмоний баркамол, етук бўлиб ўлғайишлари керак. Бунда жисмоний тарбия ва спорт муҳим аҳамиятга эга. Кейинги

таълим олаётган ёш авлод етишиб келмоқда. Бугун 18 ёшга тўлган, Мустақиллик тенгдоши бўлган йигит-қизларимиз катта ҳаёт оstonасида турибдилар. Улар эрта-индин оила қурадилар, ҳаёт умминига қўшилидилар. Шу ўринда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масаласи олдимизга қўйган эгзу ва юксак марраларга етишнинг асосий омилларидан биридир. Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, уй хўжалигини йўлга қўйишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ёш оилаларга тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар ажратилаётган. Бундай кредитлар ёшларнинг мустақил ҳаётга дадил қадам қўйиши, мустақил меҳнат фаолиятини бошлаши, барқарор даромад манбаига эга бўлиши, уй-жой ва маиший шароитини яхшилаб олиши учун амалий рағбат бўлмоқда.

Маълумки, утган 2008 йил — Ёшлар йилида ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар таҳсинга сазовор. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ҳар бири 32 хонадонли 67 та уй қурилиб, ёш оилаларга берилди. Шунингдек, 1 минг 300 нафар ёш ўқитувчининг оиласига якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратилди. Меҳрибонлик уйлари битирувчиларини оилавий турар-жой билан таъминлаш тизими яратилиб, улардан 90 нафарига янги квартиралар берилгани хайрили иш бўлди.

Сиртдан қараганда, бу кўрсаткичлар оддий бир рақамлар бўлиб туюлиши мумкин. Аммо, ана шу рақамларнинг замирида кўплаб оилаларнинг қувончи, бахти, фаровонлиги мужассам. Ёш оилалар уй-жойли бўлиб ҳаётга иштиёқли, келажакка ишончи андада ортли.

Нодир МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон журналистлари
ижодий уюшмаси аъзоси



ФУҚАРОЛАРНИ ЎЛГАН ЁКИ БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН ДЕБ ТОПИШДА АЙРИМ МАНФААТДОР ШАХСЛАРНИНГ ҚИҲИРЛИКЛАРИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 33-моддасига кўра, агар фуқароннинг қаердалиги ҳақида унинг яшаш жойида бир йил давомида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ суд бу фуқарони бедарак йўқолган деб топиши мумкин.

Кодекснинг 36-моддасига кўра эса, агар фуқароннинг қаерда турганлиги ҳақида унинг яшаш жойида уч йил мобайнида маълумот бўлмаса, башарти у ўлим хавф солиб турган ёки бахтсиз ҳолатдан ҳалок бўлган деб тахмин қилиш учун асос бўладиган вазиёларда бедарак йўқолган бўлиб, унинг қаердалиги ҳақида олти ой мобайнида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ суд уни вафот этган деб эълон қилиши мумкин.

Фуқарон бедарак йўқолган деб топиш ёки ўлган деб эълон қилиш учун судда ташаббус Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик — процессуал кодексининг 287-моддаси талаблари тартибда, ишни судда кўришга тайёрлашда бедарак йўқолган одам тўғрисида қиммат (қариндош-уруғлари, бирга ишловчилар ва шу кабилар) маълумот бера олиши мумкинлигини аниқлаши, шунингдек, бедарак йўқолганнинг маълум бўлган сўнгги яшаш жойи ва иш жойидаги тегишли ташкилотлардан (ички ишлар органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан) бедарак йўқолган одам тўғрисида бор

маълумотларни сўраб олиши лозим.

Мазкур тоифадаги фуқаролик ишларини ўрганиш натижаси судлар томонидан ҳар доим ҳам иш учун аҳамиятга молик ҳолатларни аниқлаш ва ойдинлаштириш учун етарли чоралар кўрилмаётганлиги, суд қарориде баён этилган хулосалар иш ҳолатига тўғри келмаслиги оқибатида ушбу суд қарорлари бекор бўлаётганлигини кўрсатди.

Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар туманларо судлари томонидан 2007-2008 йил ва 2009 йилнинг 6 ойи мобайнида фуқарон бедарак йўқолган деб топиш ёки ўлган деб эълон қилиш ҳақидаги аризалар бўйича қўрилган фуқаролик ишлари юзасидан суд-прокурор амалиёти ўрганилиб, умумлаштирилди.

Статистик маълумотларга кўра, ўрганилган даврда фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар туманларо судларида биринчи инстанцияда мазкур тоифадаги жами 250 тадан ортиқ фуқаролик ишлари қўрилган.

Ўтказилган таҳлиллар судларнинг қарорлари асосида ҳар йили ўртача ҳисобда 100 нафар фуқаролар ўлган ёки бедарак йўқолган деб топилаётганлигини кўрсатди.

Ушбу давр мобайнида қўрилган ишлар юзасидан апелляция тартибда 2 та, кассация тартибда 24 та, назорат тартибда 10 та протестлар келтирилган.

Мазкур тоифадаги фуқаролик ишларини ўрганиш давомида судлар томонидан ушбу ишлар асосан тўғри ҳол этилаётганлиги аниқланган бўлса-да, бир қатор ҳолатларда судлар томонидан айрим ҳатогага йўл қўйилаётганлиги, иш ҳолатлари етарли даражада аниқланмаётганлиги, ўлим юз берган деб тахмин қилиш учун асос бўладиган ҳолатлар аниқланмаётганлиги, ҳар доим ҳам ушбу тоифадаги фуқаролик ишлари қўрилишида барча манфаатдор шахслар жалб қилинмаётганлиги, натижада айрим фуқаролик ишлари бўйича фуқароларнинг аризаларини қаноатлантириш ҳақида асоссиз ҳал қилув қарорлари қабул қилинаётганлиги маълум бўлди.

Умумлаштириш натижасига кўра, ҳаттоки фуқаролик иши оқибатидан манфаатдор бўлган айрим шахсларнинг судга тақдим қилган қалбаки маълумотлари асосида фуқаролар бедарак йўқолган ёки ўлган деб эълон қилинганлиги ҳолати бўйича 8 та жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Шунингдек, умумлаштириш давомида жиноят содир этганлиги учун қилинган бўлган шахсларни бедарак йўқолган ёки ўлган деб топиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланиб, ушбу суд қарорларига нисбатан протест келтирилиб, ноконуний суд қарорларининг қонунга мувофиқлаштирилиши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош

прокурорининг 2004 йил 11 майдаги "Судларда фуқаролик ишлари қўрилишида прокурор иштирокини самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида"ги 22-сонли буйруғининг 7-бандида судда иштирок этувчи прокурор тарафларнинг тортишуви принциплари амал қилган ҳолда, далил-исботларни текшириш ва уларга баҳо беришда фаол қатнашиб, қўшимча далиллар тўплашда ташаббус кўрсатиб, ҳар бир далилни ишга алоқадорлиги нуқтаназаридан қараб, ишнинг моҳияти бўйича асосли фикр билдириб, ишнинг ҳар тарафлама, тўлиқ ва ҳолисона қўрилишига, қонуний ва адолатли қарор қабул қилинишига қўмақлашиш деб кўрсатилган.

Шунга кўра, фуқаролик ишнинг судда қўрилишида иштирок этаётган туман прокурорларининг соҳа бўйича ёрдамчиларига Фуқаролик кодекси ва Фуқаролик — процессуал кодекси талабларининг тўлиқ бажарилиши, далил-исботлар текширилиб, уларга баҳо берилишида судларга қўмақлашиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Ушбу тоифадаги ишларни судларда кўриш давомида прокурор ваколатини таъминлашда йўл қўйилаётган камчиликлар Тошкент шаҳар прокуратурасининг ҳайъат мажлисида муҳокама қилинди ҳамда натижа-си бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, шаҳар прокуратураси томонидан "Фуқаро-

ларни ўлган деб эълон қилиш ва бедарак йўқолган деб топиш ҳақидаги аризалар бўйича қўрилган фуқаролик ишлари юзасидан суд-прокурор амалиёти"га бағишланган бюллетень чиқарилиди ҳамда бу тоифадаги ишларни ўрганишда қўлайлик бўлиши учун янгилик сифатида бюллетенга шу тоифадаги фуқаролик ишларини кўриш бўйича керакли норматив ҳужжатлардан қўчирмалар ва протестларнинг электрон лойиҳаси (версия-си) илова қилинди.

Шунинг билан биргаликда, бюллетенда ҳолимларнинг касб маҳорати ва малакаси ҳамда тажрибаларини ошириш учун Ўзбекистондаги олий юридик институтларда ўқити-лаётган дарсчилар ҳамда таққослаш учун айрим МДХ давлатларининг Фуқаролик ва Фуқаролик — процес-суал кодексларига шарҳлардан қўчир-малар жамланди.

Ишлаб чиқилган бюллетень хиз-матда фойдаланиш учун туман про-куратураларига тарқатилди, унга ки-ритилган норматив ҳужжатларни ўрганиш юзасидан туман прокурор-ларининг соҳа бўйича ёрдамчилари-га алоҳида топшириқ юборилиб, на-тижаси бўйича ушбу йўналтирилган норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзлаштирилганлиги ҳолати бўйича ҳар бир ҳодимдан синов қабул қилинди.

Мирзохид ОБИДОВ,
Тошкент шаҳар прокурори
ўринбосари

Маълумки, бедарак йўқолган деб деярли бирор бир сабабсиз тўсатдан ғойиб бўлган шахс ҳисобланади. Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш учун қўйиладиган учта асосдан бирининг бўлиши kiffoя қилади:

-Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш учун унинг ақин қариндошлари томонидан прокуратурага ёки ИИБ тизимидаги идора-ларга ариза ёки хабар билан бедарак йўқол-ганлиги ҳақида мурожаат қилинган бўлса;

-фуқароннинг бедарак йўқолганлиги ҳақида прокуратурага ёки ИИБ тизимидаги идора-ларга хабарлар келиб тушган бўлса;

-бедарак йўқолган шахс жиноят ёки бахт-

бўлса-да, аммо мазкур тоифадаги ариза ва хабарларни қайд қилишда айрим ҳолларда зудлик билан қарор қабул қилиш муҳим ҳисобланади.

Бедарак йўқолган шахсининг жиноят қур-бони бўлганлигини кўрсатувчи етарли маълумотлар бўлганда зудлик билан жиноят иши қўзғатилиб, малакали тергов ҳаракатлари ўтказилиши таъминланиши лозим бўлади.

Фуқароларнинг бедарак йўқолганлиги ҳақидаги ариза ва хабарни қўриб чиқишда қўйиладиган жиноят иши қўзғатиш учун асос бўлган ҳолатлар саналди:

- фуқароннинг шахсий ҳужжатлари, кий-

Амалиётдан шундай ҳолатлар маълумки, аризалардан ўз аризасининг ўрнига "тушунти-риш хати" ёзиб беришни талаб қилдилар ёки олдий усулда ариза муаллифи томонидан ёзиб олиб келинган аризани қайд қилиш билан че-гараланди. Тўшгаётган аризаларга бундай му-носабатда бўлиш фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларига, манфаатларига пўтур етказди.

Жиноят ҳақидаги хабар муфассал ва зуд-лик билан текширилиши лозим.

В.М.Савицкий таъкидлаганидек, "Текши-рувчи тез ва ўта эҳтиёткорлик билан ўтка-зиш мумкин, шундай қилинмаса у жино-ятчиликка қарши курашувчи воситадан унинг

Ушбу қоида прокурорларга фуқароларнинг бедарак йўқолганлиги ҳақидаги ариза ва хабар-лар юзасидан сифати ва ҳар томонлама тер-говолди текшируви ўтказилиши ва мазкур терговолди текширувлари жараёнида қонун-ларга риоя қилиниши устидан назорат функ-циясини амалга оширишда қўмақ беради.

Фуқароларнинг бедарак йўқолганлиги ҳақидаги ариза ва хабарларни қайд қилиш ва кўриб чиқиш тартиби сингари ишларни тек-шириш, мазкур тоифадаги ариза ва хабар-ларни ҳал қилиш ҳам ўзига хос жиҳатларга э-га. Мазкур жаран бир неча босқичларни ўз ичига олади.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН ДЕБ ТОПИШ

сиз ҳолиса қурбони бўлганлиги тўғрисида асослар мавжуд бўлиб, унинг қаердалиги номаълум бўлса.

Фуқароларни бедарак йўқолганлиги ҳақидаги ариза ва хабарлар прокуратурага ёки ИИБ тизимидаги идораларга келиб тушганидан кейин мазкур аризалар жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни қайд қилиш китобла-рида рўйхатда олинди ва Ўзбекистон Рес-публикаси ЖПК қонунчилигига мувофиқ терговолди текшируви ҳаракатлари ўткази-лади.

Фуқароларнинг бедарак йўқолганлиги ҳақидаги аризалар ИИБ тизимидаги идора-лар томонидан қабул қилиб олинганда, ўзла-рида мавжуд бўлган жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни қайд қилиш китобиде қайд этилгандан кейин, зудлик билан ҳудудий прокуратурага маълум қилиниб, тўпланган ҳужжатлар тақдим этилиши талаб этилади.

Фуқароларнинг бедарак йўқолганлиги ҳақидаги ариза ва хабарлар бедарак йўқолган фуқаронинг охириги марта бўлган ҳудудла-ги прокуратурага берилади ва мазкур про-куратура органлари тезкор ҳодимлари томо-нидан терговолди текшируви ҳаракатлари ўткази-лади. Ҳудди шунингдек, мазкур фуқаро-ларни қидириб топиш борасида қидирув йнма жидди ҳам фуқаро охириги мартабас-да бўлган ҳудуд ички ишлар бўлими томо-нидан юрилади.

Мазкур қоидалар темир йўл, сув, ҳаво ёки автомобил транспортда кетиб бориш вақ-тида бедарак йўқолган шахсларга ҳам таал-луқлидир. Чунки фуқароларнинг бедарак йўқолганлиги ҳолати бўйича келиб тушган ариза ва хабарлар юзасидан терговолди тек-шируви ҳаракатлари ўтказиш ва қонуний қарор қабул қилиш прокуратура органлари-нинг ваколат доирасига қирали.

Фуқароларнинг бедарак йўқолганлиги ҳақидаги ариза ва хабарлар туман прокурату-расига келиб тушганидан кейин умумий тар-тибда 10 кунлик муддат ичида терговолди текшируви ҳаракатлари ўтказилиши шарт

имлари, шахсий буюмлари ўз жойида қол-ган ҳолда, узоқ муддатга чиқиб кетиши ҳақида яшаш, иш ва ўқиш жойида маълумотлар бўлмаслиги;

- бедарак йўқолган шахсда жиноятчилар-нинг эътиборини қаратиши мумкин бўлган кўп миқдордаги пул маблағлари ёки бошқа қимматбаҳо буюмлар мавжуд бўлганлиги;

- фуқаронинг ўз бошқарувидаги автома-шинида узоқ муддатга йўқолиб кетиши ёки автомашинасининг ёқиб юборилган ва қисм-ларга ажратилган ҳолда топилиши;

- мулкни тасарруф қилиш, шунингдек, турар жойини алмаштириш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш чоғида бедарак йўқолиши;

- бедарак йўқолган шахсининг онла аъзо-лари ва яқин қариндошлари билан жиддий келишмовчиликлари бўлиши;

- фуқаронинг жиноий алоқаларга дахлдор-лиги, унинг ҳаётига таъжовз қилиш билан боғлиқ, яққол қўрқитишларининг бўлганли-ги, у билан яқин алоқада бўлган шахслар-нинг қарама-қарши тушунтириш бериши ёки ўзини тушунарсиз ҳолда тутиши;

- фуқаронинг охириги марта бўлган жойи, кийимлари ва бошқа ашёлариде жиноят со-дир бўлганлигини кўрсатувчи далилларнинг топилиши;

- сурштирилган шахсларнинг тушунти-риши, олинган тезкор маълумотларда беда-рак йўқолган шахсининг жиноят қурбони бўлганлиги ёки гунодор шахслар ҳақида аниқ маълумотлар берилиши;

- суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган-лар ҳолимларининг бедарак йўқолиши.

Прократурага ёхуд ИИБ тизимидаги идо-раларга фуқароларнинг бедарак йўқолган-лиги ҳақида ариза билан мурожаат қилинган вақтда мазкур аризалар, оғзаки аризаларни қабул қилиш баённомаси кўринишида, бунда ариза билан мурожаат қилаётган фуқаронинг шахси аниқланиши ва шун-дан кейин тегишли тартибда қабул қили-ниши лозим бўлади.

аксига айланиши мумкин". Текширувнинг чегараси қатъий равишда белгиланади. Яъни бунда жиноятни тасдиқловчи, тўлдирувчи ёки уни инкор қилувчи ахборотларни тўплаш мумкин.

Шунга мувофиқ, 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ҳукуматлари ўртасида молиявий ва техник ҳамкорлик ҳақида келишув имзоланиб, Германиянинг "КВФ" банки Ўзбекистонга суг'чилик соҳасини ривожлантириш учун 11 млн. немис маркиси миқдорига сўда ажратди (эслатиб ўтамиз: бу вақтда Германия пул бирлиги 1 дойч марка амалда бўлган).

Уша пайтда "Ўзгўштсаноат" ДАУ раисининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаган Ҳакимжон Муталов ҳукуматлараро келишувга асосан уюшма номидан Германиянинг "Керкхофф и партнёр" фирмаси вакили билан уюшма, сутзаводлари, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда "КВФ" банки билан бирга мамлакатимиздаги сут заводлари учун замонавий асбоб ускуналар сотиб олиш ва ўтказиш тартиби ҳақида баённома имзоланган. Баённоманинг 3,1-бандига кўра, томонлар ўртасида зарурий шартномалар тузилган, 1994 йилнинг 29 сентябрида "Керкхофф и партнёр" фирмаси вакиллари билан Тошкент сутни қайта ишлаш заводи ҳамда яна бир қатор сут заводлари учун 11 млн. дойч маркалиқ қуйиш ва совутиш ускуналарини ҳамда эҳтиёт қисмларини сотиш олиш ҳақида тендер баённомалари имзоланган. Шартномага мувофиқ, уюшма сут заводларининг кафили бўлиб қолиб, ажратилган кредитни сут заводларига ўтказиш кўрсатилган.

Шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилнинг 25 декабридаги "Германия Федератив Республикасининг кредит муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикасига бериладиган кредитлардан фойдаланиш тўғрисида"ги 570-сонли Қарорига кўра Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига Германиянинг "КВФ" банкнинг узоқ муддатли имтиёзли кредитларининг асосий қарз олувчиси ва Германия ҳукумати томонидан бериладиган грантларнинг тақсимлов-

лияти йўқолган деган хулосага келадилар. Шу сабабли, кредитни қоплаш мақсадида ускуналарни хусусий инвесторларга сотиш йўли билан қарздорликни бартараф этиш чораларини кўриш "Ўзгўштсаноат" ДАУ, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва "КВФ" банки вакили иштирокидаги яқиний йиғилиш баённомасида белгиланади. Аммо шунга қарамай, Х.Муталов, М.Холов ва Р.Дадаевларнинг "саёй-ҳаракатлари" билан 293.109.905 сўмлик ускуна-

ХАЛҚ РИЗКИНИ

чиси ҳисобланиши, "Ўзгўштсаноат" ДАУ кредит бўйича субқарздор бўлиб, яқка тартибдаги кредит битимларини расмийлаштириш учун зарур ҳужжатларни ўз вақтида тайёрлаганини таъминлаш, Молия вазирлигига кредит маблағларини ажратиш, хизмат кўрсатиш ва қайтариш тартиби ишлаб чиқирилиш юклатилиб, кредит хужмат кафилиги берилган.

Хуллас, Германиянинг "КВФ" банки томонидан биринчи транш орқали сут қуйиш ускуналарини сотиб олиш учун кредитни 10 йил давомида (яъни 2004 йилнинг 30 ноябригача) қайтариш шарт билан 3 млн. дойч марка, иккинчи транш орқали совутиш ускуналарини ва эҳтиёт қисмларини сотиб олиш учун 7 йил давомида (2001 йилнинг 30 ноябригача) қайтариш шарт билан 8 млн. дойч марка, жами 11 млн. дойч марка кредит маблағи ажратилди.

Аммо ўша даврда "Ўзгўштсаноат" ДАУ раисининг биринчи ўринбосари давримизда ишлаган Х.Муталов уюшманинг бошқа тегишли ҳодимлари билан жиноий тил бириктириб, мансаб мактебини суистеъмол қилишга киришиб кетди. Унга "Ўзгўштсаноат" ДАУ кенгашининг тегишли қарорлари билан кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинган ускуналарнинг сут заводларида белгиланган муддатларда ўрнатилиб, ишта туширилишини ва кредит маблағларининг қайтарилишини назорат қилиб бориш, кредит маблағларини тақсимлашга доир ўз номидан шартномалар тузиш юклатилди. Бироқ у ҳеч қандай қўшимча шартнома тузмадани, меъёрий ҳужжатларга зид равишда кредит ижросини "Гўштсент-Техно" ташқи иқтисодий бирлашмасига топшириб қўйди. Бундай "имконият"дан унутили фойдаланган бирлашма директорлари қонуний ваколатга эга бўлмаганлари ҳолда уюшма таркибидagi 25 та сут заводи билан ускуна ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш ҳақида 10,5 млн. дойч маркага шартнома туздилар. Албатта, Х.Муталовнинг топшириғи билан.

Шу тариқа "Ўзгўштсаноат" ДАУ раисининг биринчи ўринбосари Х.Муталов, уюшманинг ўша пайтдаги раиси М.Холов, молия ва ҳисоб-китоб бошқармасида бошлиқ ва бошлиқ ўринбосари вазифаларида ишлаган Ч.Зикрияев, Р.Дадаевлар ўзaro жиноий тил бириктириб, ўзлари ишлаган даврда кредитнинг қайтарилиш чораларини қўришмаган. Оқибатда асосий қарз, фозиз ва вақтида ўтказилмаган тўловлар учун пеня, жами бўлиб 45.205.785.037 сўм қарздорлик вужудга келган.

Маълумки, ҳар қандай кредит берувчи ташкилот кредит маблағларининг мақсади фойдаланилишидан манфаатдор. Шу маънода, Германиянинг "КВФ" банкидан мутахассислар келиб текшириш ўтказилди ва кредит ҳисобига олиб келинган ускуналар ўрнатилмасдан, фойдаланилмасдан келинганлиги, бунинг оқибатида кредит маблағларини тўлаш қоби-



лар тегишли сут заводларида ўрнатиб ишта туширилмайди. Буям етмагандай, ускуналарни хусусий инвесторларга сотиб, қарздорликни қоплаш чоралари ҳам қўрилмадилар.

М.Холов ва Р.Дадаевлар ўзларининг жиноий қилмишларини яшириш мақсадида кредитта олинган ускуналар саноқдан ўтказилганда 159 578 595 сўмлик камомал аниқлангани билганлари ҳолда бу ҳақда тегишли тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бермайдилар.

Улар томонидан назоратнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилгани оқибатида 713 214 602 сўмлик ускуналар талон-торож бўлиб кетган. Шунингдек, "Тошкентсент" АЖ билан тузилган шартнома шартлари бажарилмаган. Қайтарилмаган қарзининг фозиз охиби бориши натижасида жамият ва давлат манфаатларига 1 444 001 801 сўмлик зарар еттишига сабабчи бўлишган.

Х.Муталов, М.Холов, Р.Дадаев ва Ч.Зикрияевлар жинояткорона тарзда расмий ҳужжатларга сохта маълумотлар киритишдан ҳам тап тортишмаган. Улар қалбаки ҳужжатларни тақдим қилиш йўли билан уюшманинг ҳисоб рақамига келиб тушган 445 060 193 сўм маблағи Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳисоб рақамига тўлиғича ўтказмай, 158 670 257 сўм маблағи растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиб юборишган.

Бу билан ҳам нафис қаноат топмаган Х.Муталов "КВФ" банки томонидан ажратилган кредит ҳисобига "Гулстонтсент" ОАЖга етказиб берилган "СЕНЕМА" фирмасидан ишлаб чиқарилган 66 503 800 сўмлик зангламайдиган темирдан ясалган сут совутиш сингилларини "HUSNORA" МЧЖга атиги 12 млн. сўмга сотиб юборган.

Шу тариқа жиноий гуруҳ аъзоларини мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш ҳолда давлат ва жамият манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказишган. Бошқача айтганда, бир гуруҳ жиноятчилар томонидан 11 млн. дойч марка елга совурилган.

1996 йилнинг январида мамлакатимизда гушт ва сут саноати кор-

хоналарининг иқтисодий мустақиллигини ошириш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишни ривожлантириш мақсадида Молия вазирлиги томонидан "Ўзгўштсаноат" уюшмасига 200 млн. сўм миқдорига 3 йиллик муддат билан фозизсиз сўда ажратилди. Лойиҳани амалга ошириш ва жорий қилиш бўйича ишчи гуруҳи тузилиб, унга Х.Муталов раис этиб тайинланган.

Ишончини суистеъмол қилишнинг устасига айланган Х.Муталов кредит тақсимотида ҳам "уйин" қилиди. У уюшма таркибига қирувчи 41 та корхона билан тузилган шартномаларга кредит маблағларини 1 йил муддатда берилиши ҳақида сохта маълумотлар киритди.

Бундан ташқари Х.Муталов, М.Холов, Ч.Зикрияев ва Р.Дадаевлар ўзaro жиноий тил бириктириб, Молия вазирлиги томонидан берилган кредит ҳисобига кредит олувчиларнинг 58 208 120 сўм қарзини ундиришга ҳаракат қилиб қўришмаган. Шунингдек, Х.Муталов ва Р.Дадаевлар уюшма таркибидagi бир қатор корхоналарининг кредитни қайтариш муддатларини қонунга хилоф равишда узайтириб, давлат ва жамият манфаатларига 56 500 000 сўмлик зарар етказишган.

Х.Муталов ва Р.Дадаевлар уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб 200 млн. кредитни қоплаш учун корхоналардан қайтарилган 26,5 млн. сўм маблағни Молия вазирлиги ҳисоб рақамига ўтказиш урнига қонуний равишда уюшма таркибидagi корхоналарга такорар кредитта бериб юбораверишган.

Бу билан ҳам қифояланмаган Х.Муталов ва Р.Дадаевлар фозизсиз кредит олган корхоналар томонидан қарзни қоплаш учун қайтарилган 28 019 минг сўмлик маблағларни саноат комплекси ва қайта ишлашчи корхона ҳисобланмайдиган корхоналарга ҳам сохта ҳужжатлар асосида кредит тарзида бериб юборганлар. Ана шундай корхоналарнинг 13 млндан ошмироқ қарзларини қайтариш чораларини кўришни эса "унутиб қўйишган".

Шунингдек улар 200 млн. кредитдан ҳуқмат томонидан фақатгина 94,1 млн. сўми кечилган бўлсада, ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан 94,461 млн. сўмини ҳисобдан чиқариб, 361 минг сўмини, уюшма ҳисоб рақамига кредитни қоплаш учун келиб тушган маблағдан 410 минг сўмини талон-торож қилиб юборишган.

Бу ҳам етмагандай, "Навоий-гўштсаноат" МЧЖга Молия вазирлиги томонидан 200 млн.лик кредитдан ажратилган 34 млн. сўм 2001 йилда кечилган бўлсада, 2002-2003 йилларда улар бу суммани МЧЖдан қайтариб олиб, мақсадсиз сарфлаб юборишган. Бу маблағнинг 19 197 639 сўми ҳанузгача қайтарилмаган.

1996 йилнинг иккинчи ярмига келиб, аннқроғи, ўша йилнинг 10 октябрида Молия вазирлиги ва "Ўзгўштсаноат" ДАУ ўртасида гушт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида 3 йиллик муддатга 1 млрд. сўмлик мақсади қонунсиз давлат кредитини ажратиш тўғрисида шартнома тузилади.

Бу пайтда "Ўзгўштсаноат" ДАУга раис этиб тайинланган Х.Муталов яна аввалгидай йўл тутди. Яъни, Молия вазирлиги томонидан ажратилган 200 млн. сўмлик имтиёзли кредитни жиноий шериклари билан қандай талон-торож қилган бўлса, бу сафар ҳам ўша сценарий бўйича иш тутди.

Жумладан, кредит давлат томонидан 3 йилга берилган бўлсада, у 108 та корхонага берилган кредит шартномаларига маблағни 1 йил муддатда қайтариш ҳақида сохта маълумотлар киритди. Корхоналар томонидан кредит қарздорлигини қоплаш мақсадида уюшмага ўтказиб берилган пуллари Молия вазирлигига ўтказиб бермасдан, қонуний равишда бошқа мақсадларга сарфлаб юборди.

Х.Муталов ва унинг жиноий шериклари ғараз мақсадлари йўлида уюшма тизимидаги корхоналарнинг кредитни қайтариш чораларини кўрмай, 1 766 909 446 сўмлик қарздорлик пайдо бўлишига йўл қўйиб беришган.

ТАҲРИРИЯТДАН

Шунингдек, Х.Муталов бош-
лиқ жиноий гуруҳ давлат томони-
дан берилган имтиёзли кредитни
гушт ва сут маҳсулотлари ишлаб
қилиш қорхоналарига тақсим-
лаш ўрнига, бундай қорхоналарга
алоқаси бўлмаган ташкилотларга
ноқонуний равишда 88 млн. сўм
кредит маблағларини бериб юбор-
ган. Бунинг устига улардан кредит-
ни қайтартиш чораларини кўрмай,
давлат ва жамият манфаатларига 71
140 577 сўм зарар еттиригига сабаб-

ҳисобчисидан 800 минг сўм пора олган. Шу каби қинғир йўллар орқали эзгу мақсадлар йўлида ажратилган 1 млрд. сўм имтиёзли кредит жиноий гуруҳ томонидан талон-торож қилиб келинган.

Х.Муталов, М.Холов, Р.Дадаевлар жиноий қилмишларини давом эттирган ҳолда, "Бухоросут" АЖ ва "Фарғонасут" АЖларнинг мулкчилик шакли ўзгариши билан боғлиқ жараёнда ҳам турли ноқонуний ишларга қўл уришган. Жум-

белгиланган. Шунингдек, "Узгўштустасноат" ДАУ ва сўт заволлари кредит тўловларини амалга ошира олмай қолган тақдирда қарздорлик Республика бюджетига ҳисобдан қопланиши тўғрисида қаролат берилган. Аммо Х.Мута-ловнинг масъулиятсизлиги ва кре-дит олишда техник-иқтисодий асосланмасдан иш тутгани сабаб-ли кредит олган корхоналарнинг тўлов қобилияти йўқлиги маълум бўлиб қолди.

Дастур бўйича ушбу ажратилган қуруқ сўт маҳсулотидан 4 500 тоннаси “Ўзгўштустанов” уюшмасига сўт, қаттиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариб Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари таркибидаги муассасаларга етказиб берилиши белгиланган. Бегараз инсонпарварлик ёрдами учун “Ўзгўштустанов” уюшмасига берилган 4500 тонна қуруқ сўт маҳсулотидан 2740 тоннаси вилоятлардаги қайта ишлаш қорхоналари томонидан сўт, қаттиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариб, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари таркибидаги муассасаларга етказиб берилиши, қолган 1760 тоннаси қуруқ сўт маҳсулотларини ишлаб чиқариш

АЖ томонидан 156.000 сўмлик 120 кг. "Марғилонсўт" АЖ томонидан 3.012.100 сўмлик 2.317 кг. "Урганчсўт" АЖ томонидан 611.000 сўмлик 470 кг ва "Тошкентсўт" АЖ томонидан 34.832.850 сўмлик 26.795 кг, жами 54.826.850 сўмлик қуруқ сўт талон-торож бўлганлиги ва "Жиззахсўт" АЖ томонидан 37.511.448 сўмлик 28.854,96 кг. қуруқ сўт маҳсулоти бегараз ёрдам сифатида тарқатилган май сотиб юборилганлиги ҳамда 23.700 кг қуруқ сўт қайта ишланган, дастурда белгиланган муассасаларга etkazиб берилмасдан, жамиятларнинг ўз эътиқларига ишлатиб юборилганлигини била туриб дастур муваффақиятли бажарилганлиги тўғрисидаги сохта маълумотлар асосида Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига ҳисобот тақдим қилганлар.

М.Холов ва Р.Дадаевлар жиноий қилмишларини давом эттириб, уюшманинг бошқа ҳодимлари билан жиноий тил бириктириб, қон ҳоналар ихтиёрида ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш учун қолдирилган 1.513.026 кг, жами 1.966.933.800 сўмлик қуруқ сўт маҳсулотларини сотиб, Молия Вазирлигидан олинган имтиёзга кредитлар ва Франциянинг "Активи" фирмасидан қаттиқ पिшлоқ ишлаб чиқарадиган линияси учун олинган 1.092.386.744 сўм миқдордаги қарзорлиқни қоплаб бериш кўрсатилган бўлса-да, сотилган маҳсулотдан қорхоналарга тушган 1.929.631.976 сўмини кредит тўловларига йўналтирмайдан давлат ва жамият манфаатларига жиддий зиён етказилган.

Х.Мугалов ва М.Холовлар жиноий макссадларини амалга ошириш учун "Ўзгўштустанонат" ДАУга ажратилган 1133 тонна шрот ва 701 тонна шелуҳани уюшма таркибиде бўлган корхоналарга бериб юборганини оқибатда "Ўзгўштустанонат" уюшмаси таркибига кирувчи корхоналарда гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 14,5 фоизга, сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 55,5 фоизга камайиб кетган.

“Узгүштусеаноат” ДАУнинг бир гуруҳ собиқ мансабдорлари томонидан содир этилган жиноятлар тафсилотини баён қилар эканмиз, нима учундир халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган “сутта сув қўшиш гуноҳ” деган ақilda ҳаёлимиздан кетмайди. Сутта сув қўшишги гуноҳ экан, миллионлаб юртдошларининг, ўсиб келаётган ёш авлодининг ризқини қийиб, мол-давлат ортиришни мақсад қилганларнинг гуноҳини таърифлаб бўлармикан?

Суд ҳукми билан жиноий гуруҳ
аъзоларининг ҳар бири қилмиш-
ларига яраша жазосини олишди.

Шухратилла МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
прокуратураси фахрий ходими

ҚИЙИБ...

Шунингдек, Х.Муталов, М.Холов, Р.Дадаевлар мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, Молия вазирлиги томонидан уюшма ва унинг таркибидagi корхонларнинг Франциянинг "Ак-тини" банки олдидagi кредитини қоплаш

лоятлардаги қайта ишлаш корхоналари томонидан сут, қатиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариб, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари таркибидagi муассасаларга етказиб берилиши, қолган 1760 тоннаси қуруқ сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш

ЁХУД "Ўзгўштсутсанойат"да ин қурган жиной гуруҳ қилмишлари ҳақида

чи бўлган.

Н.Муталов ва Р.Дадаевлар жиний қилмишларини давом эттирган ҳолда корхоналардан уюшма ҳисоб рақамига қайтарилган 79 195 млн. сўмини Молия вазирлигига ўтказмасдан, турли корхоналарга аввалги кредитдан бўлган қарзларини қоплаши учун ноқонуний равишда бериб юборишган.

Шунингдек, гуруҳ аззолари томонидан корхоналар томонидан ўтказилган пул маблағлари турли йўللار билан талон-торож қилиниб, давлат ва жамият манфаатларига 500 млн. сўмдан зиёдроқ миқдорда зарар етказилган.

Бундан ташқари "Гулистонсув" ОАЖ ақриятлидан кредитнинг ўз вақтида қайтарилиши чоралар қўрилмаган. Ушшанинг молия ва ҳисоб-китоб бошқармаси бошлиғи Р.Далаев "Гулистонсув" ОАЖ бошқаруви раиси билан жиноий тил бириктириб, моддий манфаъти эвазига ОАЖнинг ушшамдан 5 500 минг сўм қарзини ҳужжатларга сохта маълумотлар қиритиб 3 500 минг сўм қилиб қўрсатишгача бериб етган. Бу билан "Гулистонсув" ОАЖнинг 2 млн. сўм кредит маблағи қайтарилмай, бу қарздорликка 4 376 минг сўм пеня ҳисобланишига сабабчи бўлган.

Р.Дадаев ўз жиний ҳаракатлари билан давом эттириб "Шаҳрири сазбўғи" ХХ томонидан уюшма-нинг акция ҳисоб рақамига келиб тушган салкам 2 млн. сўм мабла-ғи гўёки кредитни ёпиш учун ўтказилган деб кўрсатиб, талон-торож қилиб юборган. Шунингдек, у "Чўпон-ота" жамоа қорхонаси-нинг уштомдан 1 млн. 955 миң сўмлик қарзини қалбаки даюлат-номалар тузиш орқали "ёпиш" эва-зига "Чўпон-ота" ЖКнинг бош

ладан, ҳар иккала акционерлик жамиятининг "Nexus consultancy international limited" компаниясига сотилишидаги ноқонуий ишлари натижасида биринчи ҳолатда давлат ва жамият манфаатларига 1 460 432 447 сўм, иккинчи ҳолатда 1 925 182 389 сўм зарар етказилишига сабабчи бўлишган.

Биламизки, голланд туридаги қаттиқ пишлоқнинг юзюми чакқон. Бу тур маҳсулотни бозоримизда ҳам эҳтиёж етарли. Шу маънода, 1996 илдан "Ўзгўштестеаноат" ДАУ билан Франциянинг "Актини интернационал А.О." фирмаси ўртасида, айтиш мумкинки, эътиборга молик шартнома тузилган. Шартномада "Актини интернационал А.О." фирмаси уюшмага бир кунда 3 тонна судан голланд пишлоқларини ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган жами баҳоси 6.325 млн. франклик 6 донда ливинларни 15 фозиз, яъни 948, 7 миң франкин олидиндан тулаш шарти билан етказиб бериши кўзда тутилган.

Уюшма томонидан бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклиф қабул қилиниб, 1997 йилнинг 15 апрелда тегишли қарор чиқарилади ва унда шартномада кўзда тутилган 15 фоиз (948,7 минг франк) олдидан тўлов уюшма ҳисобидан, қолган 85 фоиз (5,375 млн. франк) Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банки томонидан ажратиладиган кредит ҳисобидан молиялаштирилиши кўрсатилади. Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банки томонидан ажратилган кредит "Шаҳрисабзсўт", "Намангансўт", "Фарғонасўт", "Термизсўт", "Урганчсўт" ва "Бухоросўт" АЖларнинг "Ўзғўштеустсанот" ДАУНинг ҳисоб рақамига йилгилан маблағлари билан қопланиши

ушун берилган 25,7 млн. сўм имтиёзли кредитни қарздор корхоналарга ўқаткиз бериш ўрнига тўғридан-тўғри Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига ўқаткиз юборганлар. Молия вазирлиги томонидан берилган қарз бугунги кунгача қайтарилмаган. Бу билан улар 63.499.441 сўм қарздорлиқнинг вужудга келишига сабабчи бўлишган.

Бундан ташқари, жиноий гуруҳ аъзолари турли йўللار билан бу эпизодда ҳам жуда кўп миқдорда давлат ва жамият манфаатларига зиён етказишган.

Ушуган жиний гурӯҳ азёлари қimmatли қoғoзлар бoзoрида ҳам аnча "самарали" фaолият oлиб бoришган экaн. Улар "Ўзгʻуштaу-сaнoат" ДАУНИН акцияларини ўзлари хоҳлагaн нархларда турли қoрхоналарга пуллаб, тушган 29.500 мiн сўғини Дaвлат мулк-ини бошқарш қўмитасининг ҳисoб рақамига ўтказмасдан, растрaта қилиш йўли билaн тaлoн-тoрoж қилиб юбoришган. Шунингдек, М.Хoлов ва Р.Дaдaевлар ўш мaнсaб вaкoлатларини суиcтeмoл қилиш-иб, "Намaнгaнгʻушт" АЖНИ бошдaнги нархи 10 мiн. сўм қий-мaтa сoтиш белгилaнган 2392 дoнa акциясини нoқoнуний равишда 3.235.850 сўмa сoтиб юбoришган. Ғoжaтaдa, дaвлат ва жaмият мaн-фaатларига 6.764.150 сўм зaрaр ет-казилган.

Республикаимиз ҳукумати ва АҚШ ҳукумати ўртасида тузилган келишувга ҳамда Вазиirlар Маҳкамасининг 2002 йил 3 декабрдаги 417-сонли қарорига асосан Ўзбекистонга Қўшма штатлар ҳукумати томонидан "Section-416(b)" дастури бўйича бегараз ёрдам сифатида 5.003.050 кг қуруқ сўт маҳсулоти ажратилган.

харажатларини қоплаш учун "Ўзгўштсусаноат" уюшмасида ва жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналарида қолдирилиши кўрсатилган.

М. Холов "Ўзгўштсутсанот" ДАУНИНГ РАИСИ ЗАФИДСИДА ИШЛАБ ҚИЛИБ, "Қаршисут" АЖ раҳбари, омбор мудир ва "Қашқадарёғўштсутсанот" ишлаб чиқариш компанияси раҳбари билан жиний тил бириктириб, "Қаршисут" АЖ томонидан "Section-416(d)" дастури бўйича "Шахрисабзёғ-пишлоқ" МЧЖга қалбаки ҳужжатлар тузиб 49.600 кг. ўрнига 45.300 кг қуруқ сүт берилиб, 5.950.000 сўмлик қуруқ сүт маҳсулотларини талон торож қилиб, ўз манфаатларига ишлатиб юборган. Ушбу ҳолат уюшманинг иқтисодий таҳсиллар бошқармаси бошлиғи А.Хулойбердиев томонидан аниқланиб, бу тўғриси М.Холовга далолатнома тақдим қилинган бўлса-да, ўз мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда уюшган гурўҳнинг жиний қилмишларини яширган. Далолатнома юзасидан бирин бир чора кўрмай, 5.950.000 сўмлик куш миқдордаги халқ мулкни талон-торож қилган.

М.Холов ва Р.Давалдасев уюшманинг "Сут саноат бошқармаси" бошлиғи билан бегараз ёрдам сифатида берилган қуруқ суглардан "Андижонсۇт" АЖ томонидан 377.000 сўмлик 290 кг, "Бухоро-сۇт" ҚҚ томонидан 10.319.400 сўмлик 7938 кг, "Карманасут" ИЧК томонидан 78.000 сўмлик 60 кг, "Каттакўрғонсۇт" АЖ томонидан 3.900.000 сўмлик 3.000 кг, "Афросиёб" МЧЖ томонидан 819.000 сўмлик 630 кг, "Бекоболсۇт" АЖ томонидан 637.000 сўмлик 490 кг, "Фарғонасۇт" ҚҚ томонидан 84.500 сўмлик 65 кг, "Қўқонсۇт"

[illegible]

"Aktiv Broker" ДК биржа савдоларига таклиф этади

2009 йил 2 ноябрда "Тошкент шаҳар Муниципал биржа маркази" МЧЖнинг биржа савдоларига чиқарилаётган давлат корхоналари, объектлари (улуғ, мол-мулклари) рўйхати

№	Мулkning номи	Баланс сакловчининг номи ва манзили	Манзил	Давлат активининг қисқача тавсифи	Мулkning бошланғич нархи (сўм)
1	"Чойхона" биноси	"Ўқув ишлаб чиқариш комбинати"МЧЖ	Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар,Гайдар кўчаси, 3-уй	Бино 1993 йилда ишга туширилган, эгаллаб турган ер майдони 14,49 кв.м.,фундаменти бетон, деворлари пишик ғиштдан.Чойхона биноси "Ўқув ишлаб чиқариш комбинати" хулуида жойлашган.	12 946 000
2	Ангрен шаҳар 2/2-даҳада жойлашган "18-сонли хўжалик ҳисобидаги дўкон"	"18-сонли хўжалик ҳисобидаги дўкон"	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, 2/2 даҳа.	Бино 1977 йилда ишга туширилган, эгаллаб турган ер майдони 1122,2 кв.м.,фундаменти бетон, деворлари пишик ғиштдан.Дўкон биноси 2 қаватли бўлиб,микрарайон ичида жойлашган.	165 344 000

Маъил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-й: ДМК Тошкент вилоти ҳудудий бошқармаси тел. 259-12-18, 259-22-48.

УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

(Давоми. Бошланғич 1-бета)

Нималардандир ёки кимлардандир нолиш, ўзгаларни керак-но керак таҳлил этиш ўрнига яхши ниятларнинг сари интилавериш Аллоҳ олдида ҳам, бандилари қатониди ҳам юзининг ёруғ, мартабалиги улуг қилишини тан олаверасан. Эркин акадаги филолийлик, интилувланик, билимга ташналик, инсонни севиш сени ҳам шундай фазилатлар эгаси бўлишга ҳаваслантиради.

"Кимнинг ҳуқуқ бўлса, унга жаннатнинг энг тўридан қаср бино қилинади" деган мазмундаги ҳадислар ҳам бор. Эркин аканинг ҳуқуқ бўлса, феъл-атвори кувноқ, самимий ва ҳушқўшқак. Шу тўғрисида турли касб эгаларидан, республикамизнинг исталган жойида унинг дўстлари кўп.

Мурқаб ҳаётда гоҳо ишни, гоҳо ижодни рўқач қилиб, оилага бепарво қараш оқибатида ҳаётда адашган, боши қулфатдан чиқмайдиган кимсалар ҳам учрайди. Шу ўринда Лев Толстойнинг "Ойлада бахтли бўлган инсонгина ҳаётда бахтли бўлади", деган гапи ёлға тушади. Бу жиҳатдан ҳам болажон, оилапарвар Эркин Кенжаев бахтли инсонлардан саналади. Дилором янға билан бирга 6 нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказишди. Улар олий маълумотли, турли касб эгалари бўлиб, элга хизмат қилишмоқда.

Мавриди келгани боис, биз ҳам "дарахт бир жойда кўкаради", нақлига амал қилиб, Қарши педагогика коллежиди салкам 40 йил ишлаб, қадр ва эъзоз топган Эркин Кенжаевни 60 ёши билан чин дилдан муборакбод этамиз. Яна кўп йиллар самарали меҳнат қилиб, ёшларга устозлик қилишларини тилаймиз.

Норбўта ҲОЗИЕВ, журналист

Одатда устозларни боғбонга қийслашди. Сабаби, боғбон уний-ўсиб, ҳосил бериши учун низолини авайлаб парвариш этгани каби устоз ҳам шогирдининг келажақда етук инсон бўлиши йўлида меҳнатини аямайди. Устозлик мартабасига эришиш учун инсон кўплаб довоиларни босиб ўтиши, бой ҳаётий тажриба эгаси бўлиши зарур.

ФАХРИЙЛАРИМИЗ ЭЪЗОЗДА

Тошкент шаҳар прокуратураси фохрийлари орасида ҳам ана шундай инсонлар кўпчилигини ташкил этади. Улар ўзларининг бой ҳаётий ва касбий тахрибалари билан ёш авлодга сабоқ бериб келишмоқда. Улар ҳаминша шогирдлари эъзозиди.

Шундай инсонлар бўладик, уларнинг райрат-шижоати, эл қорига яраш истаги сўнайди. Тошкент шаҳар прокуратураси Фохрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази раиси Рустам ака Ҳақимов ва раис ўринбосари Риксибой ака Шомақ-

судовларни ана шундай инсонлар сирасига киритиш мумкин.

Нафақага чиқиб ҳам ўз фаолиятини давом эттириб, ёшларга ўрнак бўлиб келатган Р.Ҳақимов ва Р.Шомақсудовларнинг бевосита ташаббуслари билан прокуратура тизимида узоқ йиллар меҳнат қилиб, нафақага чиққан фохрийларимиз ҳолидан ақидан хабар олиш, моддий ва маънавий қўллаб қувватлаш, шодиёна қунарларда зиёрат қилиш аёнга айланиб бормоқда. Уларнинг бу борадаги фаолияти шаҳар прокуратураси раҳбарияти

томонидан доимо қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Ҳеч бир тадбир йўқки, фохрийлар тақдир этилиб, бир пиёла чай устида уларнинг дуоси олинмаган бўлса.

Бугун Тошкент шаҳар Фохрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази раиси Р.Ҳа-

қимов ва раис ўринбосари Р.Шомақсудовлар янгида қуриб фойдаланишга топширилган муҳташам бинода ўзларининг сабоқли ишларини давом эттирмоқдалар.

Кўп сонли шогирдлари номидан барча устозларни, жумладан Р.Ҳақимов ва Р.Шомақсудовларни 1 октябрь — ўқитувчилар ва мураббийлар кун билан табриклаймиз. Уларга соғлиқ-саломатлик, оилавий хотиржамлик тилаб қоламиз.

Б.АҲМЕДОВ
Тошкент шаҳар прокуратураси
катта нозир

Биз ёшларимиз термасига катта ишонч билдирган эдик. Айниқса, катталаримиз 2010 йилда ЖАРда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатини фақатгина экран орқали кўришгагина лойиқ топиладиган сўнг барча умид ёшлардан эди.

Мисрда бўлиб ўтаётган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида терма жамоамиздан ўзбек футболчи ишқибозлари ижобий натижаларни кутган эди. Бироқ, ҳозирча бундай бўлмади. Дастлаб Африка қитъаси чемпиони Гана ёшлари билан бўлиб ўтган учрашувда мағлубиятга учрадик. Мазкур ўйин тафсилотларига тўхталиб ўтириш ортқиқа бўлса керак. Асосийси, биринчи учрашувда мағлубиятга учрамадик эди. Бироқ буни уйдлашнинг иложи бўлмади.

ҳисобни қисқартиришнинг имконини топа олишмади. Шу билан барча умидлар узилди, деб турганимизда гуруҳхўшларимиз ўртасидаги иккинчи учрашувда ганаликлар футбол ватани вакиллари йирек 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Мақолани вакиллариимизнинг мағлубиятидан кейин ёза бошлаганим сабабли бутунлай умидлар узилган эди. Инглизларнинг бу мағлубияти бизга озгина умид қолдирди. Ҳозирча тўлар нисбатига кўра англияликлардан устунроқмиз. Агар 2 октябрь кун инглизлар-

"ҚАЛДИРҒОЧЛАР"НИНГ ОМАДСИЗ ПАРВОЗИ

Осиё Чемпионлар Лигаси чорак финал дастлабки учрашувини ўз майдонида ўтказган "Бунёдкор" Жанубий Кореянинг "Похан Стиллерз" жамоасини 3:1 ҳисобида мағлуб этиб, жавоб ўйинидан аввал яхши имкониятга эга бўлган эди. 30 сентябрь кунги ўтказилган жавоб учрашуви "қалдирғочлар" учун жуда оғир кечди. Ушбу ўйин ҳар иккала жамоадан ҳам ўта эҳтиёткорлиқни талаб этарди. Биринчи гол ўйин суръатига катта таъсир ўтказиши маълум эди. Буни яхши ҳис қилган Сколари шогирдлари дастлабки дақиқалардан ҳужумга зўр бериш-

да урилган гол "пўлатчилар"ни ярим финалга олиб чиқарди-да. Бироқ агар меҳмонлар гол киритиб қўйгудек бўлса, ҳаммасини бошидан бошлаш ҳавфи борлигини ҳам яхши тушунишарди. Шунга бўлса керак, меҳмонлар бир дақиқа ҳам ҳужумни сусайтирмади. "Қалдирғочлар" эса қарши ҳужумни ижобий ақунлаш ниятида тўп сурришди. "Қалдирғочлар" устози ҳужумни кучайтириш учун майдонга Саҳоб Жўраев ўрнига Карпенкони тушурди. Карпенкони майдонга қилиши "қалдирғочлар"нинг ҳужумини кучайтирди. Бироқ айтишга ўқирқилиш керак бўлган қанотдан эса яна ўша бразилиялик тахрибали футболчи Нестеров дарвозасини ишғол қилди(3:0). Ана энди "қалдирғочлар" чинданла оғир вазиятга тушиб қолишди. Ўйин тугашига санокчи дақиқалар қолган бир вазиятда Карпенко яна ўз сўзини айтиб, ажайиб ҳаракатлари билан тахминан 20 метрлардан дарвозанинг узоқ бурчагини аниқ нишонга олди(3:1). Аниқ Карпенкониинг голи ўчиб бораётган умид чўғини қайта аланга олирди. Энди умумий ҳисоб 4:4 га етди. Бу ҳолат ўз-ўзидан ўйиннинг кўшимча вақтлар билан давом этишини аңлатар эди. Учинчи тайм томонларнинг эҳтиёткор ҳаракатлари билан бошланса, меҳмонларнинг ҳужумга қанқоқлиги сезилиб турди. Бунинг натижаси ўлароқ узоқ масофадан "қалдирғочлар" жари-ма майдонига узатилган тўпни қайтариш учун чиққан Нестеров кўпол хатога йўл қўйди ва охири-оқибат бутун ўйин давомида гол тушишга интиланг Стево боши билан тўпни дарвозага тўғрилаб қўйди(4:1). Ўша вазиятда Стевога қаршилик қўратиш учун икки ҳимоячимиз ҳаракатланаётган эди. Нестеров нима сабабдан тўпга югуриб чиқди бунга тушуниш қийин. Учрашув давомида рақибларнинг ўта хавфли ҳужумларини қайтариб, жамоа жонига оро қираётган тахрибали посбоннинг биргина хатоси ўйин тақдирини ҳал қилди. Қўшимча тўртинчи бўлимда "қалдирғочлар" қанча ҳаракат қилишмасин бундан ортқинга парвоз қила олишмади. Натижада ярим финал йўлланмаси "Похан Стиллерз"га насиб қилди.

Мақсудали ҚАМБАРОВ,
журналист



ни енгта олсак ва "А", "С", "Е" гуруҳлардаги учинчи ўрин эгаларидан кўра кўрсаткичларимиз ижобий бўлса гуруҳдан чиқишимиз мумкин. Агар омад бу сафар биздан ўз юғирмаса ва ёшларимиз англияликларни йириқроқ ҳисобда доғда қолдиришни эплай олишса, Миср майдонларида ўзбек футболчиларининг "йориши" давом этади. Шунга умид қиламиз.

Классик фильмларимиздан бўлган "Суюнчи"ни бир эслаб кўрин! Шермат ака болалари футболда ютказиб қўйганидан сўнг уларга шундай дала беради. "...Бу сафар ютказган бўлсак, кейинги сафар албатта ютамиз". Аҳмад Убайдуллаев ҳам ёшларимизга худди шундай маслаҳат бериб, Англия билан ўйинга жиддий тайёргарлик кўришга ишонамиз.

Майдон эгалари ҳам бунга жавобан тезкор ҳужумларни уюштиришди. Умуман олганда биринчи бўлим ҳар иккала жамоанинг тенг курашлари остида ўтди. Ҳаммаси иккинчи бўлимдан бошланди. Ҳақамнинг иккинчи бўлим бошланувчи ҳўштаги чалиниши билан майдон эгалари Нестеров дарвозасини ишғол қилишди(1:0). Кутилганидай, ушбу гол майдон эгаларига кўшимча куч бағишлади ва "Бунёдкор" дарвозаси олинда ҳужумларнинг кети узилмади. Яхшиямки, Нестеров ишончли ҳаракат қилиб, рақиб тўларини қайтарди.

Бурчак тўпидан сўнг "Бунёдкор" ҳимоячилари Денилсонни эълбордан четда қолдиришди ва бразилиялик ҳужумчи боши билан зарба бериб ҳисобни оширишга муяссар бўлди(2:0). Кореяликларни ушбу натижа қониқтирар эди. Чунки меҳмон-

УМИД ҚИЛИШДАН ЧАРЧАМАЙМИЗ

Иккинчи ўйин биринчиси-данла оғир кечиши ҳақидаги тахминлар ўзини оқлади. Буни ёшларимиз бош мураббийи Аҳмад Убайдуллаев ҳам кўп марта тақдорлаганди. Биринчи учрашувда инглизларни мағлубиятга учратган Уругвай ёшлари майдонда вакиллариимизга катта қийинчиликлар туғдириши маълум эди. Ёшларимиз ўйинни яхши бошлашди. Дастлабки учрашувдан фарқли ўлароқ майдонда икки ҳужумчи ҳаракат қилди. Булар Даврон Мирзаев ва Санъат Шиховлар. Бироқ тинимсиз ҳужум уюштирган уругвайликлар ўйиннинг 24 дақиқасида ҳимоячимиз Мурод Холмухамедов хатосидан сўнг ҳисобни очига муяссар бўлишди. Бу ҳам етмаганди 29-дақиқада рақибга нисбатан кўполик қилгани учун 7-рақамдаги ҳимоячимиз Фулом Урунов машҳур ҳакам Розеттининг қаҳрига учради. Розетти ҳеч иккиланмай Уруновга қизил карточка кўрсатди. Уруновнинг ўйиндан четталиги ҳужумчи Санъат Шиховнинг майдондаги позициясини ўзгартиришга сабаб бўлди. Энди у орқароқда айнан Уруновнинг жойини эгаллади. Ҳужумда эса биргина Даврон Мирзаев.

Тўғрисиин айтганда Даврон яхши таассурот қолдирди. У рақиб ҳимоячилари билан баҳсларда анча ишончли ўйнади. Айниқса, иккинчи бўлимда рақиб жарима майдонида тўпни эгаллаб олган захоти ҳимоячини ажайиб

тарзда алдаб ўтиб дарвоза томон зарба берди. Бироқ рақиб дарвозабони бу вазиятда ишончли ўйнади.

Умуман олганда, ўйин давомида ёшларимиз ҳужумларни жуда кам ташкил этишди. Рақиблар эса ақинча. Ҳимоячиларимиз кўп вазиятларда хатога йўл қўйишди. Ушбу вазиятларда термадиз дарвозабони Санжар Қуватов моҳирона ҳаракат қилиб кўплаб зарбаларни қайтарар олди. Ёшларимиз ичида энг яхши ўйнагани ҳам айнан дарвозабонимиз бўлди, назаримда. Бироқ рақибларнинг кетма-кет уюштирган шиддатли ҳужумлари охири-оқибат ўз натижасини берди. Дастлаб уругвайликларнинг ўнг қанотдан ташкил қилган ҳужумида рақиб ҳужумчиси ҳимоячиларимиз эълборидан четда қолди ва кучли зарба билан Қуватов дарвозасини ишғол қилди (2:0). Энди вакиллариимиз олинда йирик ҳисобда мағлубиятга учрамадик масаласи кўндаланг қўйилди. Лекин рақиб ярим ҳимоячиси Гарсия буни истамади. Аввалига дарвозамизга белгиланган пенальтини аниқ бажара олмади. Тўп дарвоза устунига тегиб қайтди. Бироқ у кейинроқ ҳатосини тўғрилади. Бурчак тўпидан сўнг ҳимоячиларимиз паллапартишликка йўл қўйишди ва Гарсияга келиб тўшган тўп деярли бўш қолган дарвозамизга йўналтирилди(3:0).

Буёғи футболчиларимиз

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV,
Bahridin VALIYEV, Baxtiyor
NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
233-10-53.
Faks: 233-64-85, 233-10-53.
E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligi tomonidan
2007 yil 22 yanvarda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Tahririyatga kelgan qo'yozma va suratlar egalari qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda "HUQUQ"dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tjorat ahamiyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi.

Nashr ko'rsatkichi — 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma j-8178. 21 382 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: Y.PARDA
Navbatchi: O'. DEHONOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta O'zbekiston nashriyoti matbaa idoriy uyida chop etildi.
Korxonamiz: Toshkent shahar, Alisher Navoi ko'chasi, 30-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 22.30 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta haftaning
payshanba kunlari
chiqadi.

Sotuvda
kelishilgan narxda